



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ**

№ 948

2019 йил «24» сентябрь

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ–
ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16 ва 34-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати–Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгашининг Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида, ҳужжатларни топширишда, имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текширишда иштирок этиш учун ваколатли вакилни рўйхатга олиш тўғрисидаги мурожаати қаноатлантирилсин.

2. Бахтияр Султонназирович Якубов - Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати–Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ваколатли вакили этиб рўйхатга олинсин.

3. Бахтияр Султонназирович Якубовга Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 11 сентябрдаги 935-сон қарори билан тасдиқланган “Сиёсий партиянинг ваколатли вакили тўғрисида”ги Низомга мувофиқ белгиланган намунадаги гувоҳнома топширилсин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

Раис

М.Абдусаломов